*Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган «Мурувват ўн кунлиги» давом этмоқда*

***Меҳр-мурувват боқийдир. Шу боис, қадимдан халқимиз муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, қариялар, ногиронлар кўнглини кўтаришдек савобли ишни сира тарк этмаганлар. Айниқса, Рўзаи Рамазонда хайрли фазилатлар янада барқ урган.***

# ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ

Истиқлолдан сўнг бу хислат умумдавлат ишига айланди. Ҳукуматимиз қатор қарорлари ана шундай эзгу ишларга йўналтирилган. Юртимизда бир кемтик кўнгилни овлаш учун қилинаётган ишлар сарҳисобига етиб бўлмайди. Қариялар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар, кам таъминланганлар, муҳтожлар ўзларини сира ёлғиз ҳис этишаётганлари йўқ. Улар саҳоватпеша халқимиз бағрида. Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган «Мурувват ўн кунлиги» эса эзгуликларга янада кенгроқ эшик очди. Савобли ишлардан сирдарёликлар ҳам четда қолаётгани йўқ. Суҳбатимиз мавзуси ана шу ҳақда.

**Раҳматулла СУЛТОНОВ — вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ижтимоий суғурта бўлими мудири:**

- Аҳолининг ёрдамга муҳтож табақасини ижтимоий муҳофазалаш касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаларидандир. Кам таъминланган оилаларни, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Чунончи, ўтган йилнинг сўнгги кунларида ҳомийлар ҳамкорлигида ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга 6 миллион 167 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Вилоят «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига 290 минг сўмлик янги йил совғалари ҳадя этилди. Шунингдек, хўжалик, ташкилот ва корхоналар томонидан муттасил равишда озиқ-овқат, кийим-кечак, зарурий жиҳозлар, ўқув қуроллари етказиб берилди.

Мамлакатимизда 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», Рўзаи Рамазоннинг сўнгги ўн кунлигини «Мурувват кунлари» деб эълон қилинганлиги муносабати билан жуда катта хайрия тадбирлари амалга оширилди. Бунда вилоятдаги барча корхона ва ташкилотлар, ишбилармон-тадбиркорлар ҳам муносиб ҳисса қўшаётирлар. 1999 йилнинг охири ва жорий йилнинг илк кунларида 37 миллион 465 минг сўмлик хайрия кўрсатилиши режалаштирилганди. Айни кунгача 29 миллион 630 минг сўмлик мурувват кўрсатилди. Хайрия тадбирлар сони кўпайди.

Аждодлар хотираси доимо онгимизда, шууримизда. Ватанга садоқат, халққа меҳр-муҳаббат руҳини биз ёшларимизга сингдирсак, келажак янада порлоқ бўлади. Шуларни назарда тутиб, вилоят ҳокими ташаббуси билан қишлоқ мактабларида таҳсил олаётган 84 минг 224 нафар ўғил-қизларимизни Гулистон шаҳрида бунёд этилган «Хотира майдони»га саёҳати уюштирилди. Ёшлар бу йилда Мирзачўлнинг мард ва жасур фарзандлари ҳоки-пойини зиёрат қилишди. Бу билан улар кўрсатган жасорат қадрини англашга ундамоқдир. Энг қувончлиси, бу тадбирларни ташкил этишда касаба уюшмалари фаол ташкилотчилик намуналарини кўрсатди.

**Эркин ДАВРОНОВ — вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи:**

- Вилоятимизда кам таъминланган пенсионер ва ногиронлар 2868 нафар кишини ташкил этади. Уларни ижтимоий муҳофазалаш долзарб вазифага айланган. Ўтган 1999 йилда бундай кишиларга корхона ва ташкилотлар томонидан 3959.5 миллион сўмлик саноат, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотлар етказиб берилди. Шунингдек, ногиронлар бепул 200 та қўлтиқ таёқ, 140 та ҳасса, 35 та ногиронлар аравачаси, 91 та эшитиш аппарати билан таъминланди. 478 киши республикамиз турли сиҳатгоҳларида ўз саломатликларини тикладилар. 4910500 сўм имтиёзли бензин учун товон пули тўланди. 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилинганлиги боис, 428 нафар ногирон, кекса, кам таъминланган аёллар аниқланиб, уларга 276 минг сўм миқдорида моддий ёрдам берилди.

Киши кўнгли гулдек нозик. Кўнгли кемтик бўлиб қолган кишилар орамизда кўп. Бундайларга мадад қўлини чўзиш, меҳр кўрсатиш ҳар бир кишининг инсонийлик бурчидир. Болаликдан тўшакка михланиб, ёруғ оламни сайр қилиш бахтидан бенасиб бўлганларнинг бир қанчасига махсус аравача туҳфа этдик. Гулистон шаҳрида яшовчи Насрли Талида, мазкур тумандан Икром Хайриддинов, сайхунободлик Алия Ҳайдарова ҳамда Елизавета Фаршунтина, Ҳамидулла Жабборалиевлар беминнат дастёрга эга бўлишди.

Юртбошимиз Рўзаи Рамазоннинг сўнгги ўн кунлигини Мурувват кунлари дея эълон қилиши бу борадаги ишларни янада жонлантириб юборди. Бу хайрли ишни халқимиз қизғин маъқулламоқда. Яна қанчадан қанча кемтик кўнгилларнинг маъюс кўзлари севинчдан порлайдиган бўлди.

**Суҳбатни Н.ШАМСИЕВ ёзиб олди.**

# ТИНЧЛИК УЧУН ШУКРОНА

Бир воқеа эсимдан чиқмайди. Обкомнинг яқинда тайинланган биринчи секретари билан маҳаллий журналистларнинг илк учрашуви ташкил қилинди. Барча туманлардан ва вилоят марказидан ташриф буюрган қаламкашлар ўзига хос иштиёқ ва қизиқиш билан мулоқотни кутиб турибмиз. Белгиланган вақт ҳам бўлди, бироқ раҳбарлар кўринмасди. Хуллас, ўша учрашув йигирма минут кечикиб бошланганди. Бу ҳолнинг сабаби кейинроқ маълум бўлди.

Демократияга киришиб кетган чўлдаги хўжаликлардан бирида директор сайлови бўлган. Гуруҳларга бўлиниб олган одамлар ўз номзодини ўтказиш учун роса тортишганлар. Мунозаралар қолипдан чиқиб кетиб, вазият ёқалашишгача бориб етган. Шундай пайтда гуруҳлардан бирининг етакчиси кучли ҳаяжонга чидай олмайди ва жон таслим қилади. Шундан кейин қиёмат бошланади: одамлар бир-бирларини аямай савалайдилар, бино деразаларини, эшикларини бузиб ташлайдилар. Тўполон аранг бостирилади. Эртасига аламзада одамлар вилоят марказига йўл олиб, жон аччиғида шахсан сар-котибнинг ўзи билан юзма-юз гаплашишни талаб қилишади. Ўша вазиятда буни орқага суришнинг иложи топилмайди ва вилоятнинг яқинда тайинланган раҳбари аламзада одамларнинг ҳузурига чиқишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, матбуот анжумани кечикиб бошланади.

Ўша пайтда вазият тўфонга дуч келиб қолган қайиқдек чайқалиб турарди. Ҳеч ким эртанги кун қандай бўлишини билмасди.

Шундай шароитда кимларнингдир қутқуси билан бир ариқдан сув ичиб келаётган қишлоқ иккига бўлиниб, бошқа-бошқа туманларга қўшилиш «ташаббуси» билан чиқди. Муросага келтиришнинг иложи йўқ, далада иш тўхтаган. Ҳар куни эртадан оқшомгача баҳс-мунозара. Бошқа бир жойда эса хўжаликнинг бир бўлими таркибида бўлган икки қишлоқ бир-бири билан ёвлашиб қолган. Сабаб — бўлим бошқарувчиси қайси қишлоқдан бўлиши керак, деган масала. Ҳозиргача ҳеч кимнинг эсига тушмаган муаммо бошбошдоқлик туфайли юзага пуфакдек қалқиб чиққан, ечим эса топилмасди.

Холбуки, ўша вақтлар қизил империя бутун дунёни ларзага солиб турар, ҳарбий қурол-аслаҳалар ер юзинигина эмас, коинотни ҳам эгаллаб олганди. Атрофи зирҳли қўрғонлар билан ўралган мамлакат ичкарисида юқоридагидек олатасир тўполон бошланган, унинг ечимини, ниҳоясини ҳеч ким билмасди. Ана шундай вазиятда нажот фақат мустақилликда эканлиги доҳиёна ақл билан англанди. Аммо етмиш йиллик исканжадан чиқиб кетиш осон бўлмаслиги ҳам сир эмас эди. Нима бўлганда ҳам тақдир билан юзма-юз борилди ва Ўзбекистон суверен мамлакат деб эълон қилинди.

Тинчлик, осойишталикнинг қадри илк дақиқалардан ҳам маълум эди. Халқимизда «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака йўқолади», деган гап бор. Истиқлолнинг илк кунларида ҳар бир имконият қадрли эди, барқарорлик эса ҳаммадан ҳам. Ана шундай ҳаёт-мамот масаласини таъминлашда бундан ўн йиллар олдин кўрилган чораларни мулоҳаза қилиб кўрсак, оқимга тушиб қолган кемамизни муз тоғлари, сув ости қояларидан эсон-омон олиб ўтган дарғанинг заковатига тасаннолар айтмай илож йўқ.

— Сизнинг яхшиликларингиз ўлсак суягимиздан, тирик бўлсак юрагимиздан чиқмайди, - деди сурхондарёлик отахон сайловолди учрашувида Президентимизга ўз ҳурматини изҳор этиб. Бу эътироф хокисор, кўнгли очиқ ўзбекнинг доруломон кунлари учун, «худо ато этган насибасини бола-чақаси билан териб еб юргани» учун тақдирга шукронаси эди. Ўтмиш воқеалари орқали юртимиз бошидан кечган мудҳиш фожеалардан хабардор ҳар бир ватандошимиз қалбида шундай миннатдорлик кечаётгани табиий.

Тарих гувоҳлик берадики, аждодларимиз кечалари бошининг тагига кетмони билан қилич ёки милтиғини ёнма-ён қўйиб ухлаган. Йўлтўсарлик, босқинчилик одатдаги ҳол бўлган. Ва яна улар эркинликни, мустақилликни қанчалар сабот, матонат билан ҳимоя қилганлар, қўмсаганлар?!

Манбаларда кўрсатилишича, Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти — Кўҳна Урганч мудофааси даҳшатли тарзда кечган. Муғуллар шаҳарни етти ой қамалда сақлаганлар. Аждодларимиз таслим бўлмаслик учун барча чораларни кўрганлар. Камонларнинг арқони тинимсиз отилаверганидан титилиб кетган. Шунда мард қиз-жувонлар камонларга ип қилиш учун узун, тим қора сочларини кесиб берадилар...

Бугунги кунларимиз озодлик истагида сулув сочларини ҳадя этган момоларимиз бўғзида қотган армонли қўшиқ, уларнинг тонгла-маҳшарга қолган беғубор орзуси. Бизга насиб этган, бизнинг чекимизга тушган бу аъмол, бу бахтга муносиб бўлиш ўтганлар руҳи олдидаги муқаддас қарзимиздир. Бугун тикланган гўзал иморатлардан шундай садолар келаётганга ўхшайди, мустақиллик боғлари, чаманларида эсаётган еллар шундай деб такрорлаётганга ўхшайди.

...Бу кўҳна оламда ҳаёт ўз азалий измида давом этаверади. Қуёш сайри билан янги кун бошланади. Навбатдаги тонг бизни келажагимиз учун, эртанги кунимиз учун овоз беришга чорлайди. Шубҳасиз, юртдошларимиз бошлаган хайрли ишларнинг давоми учун, давр кўндаланг қўяётган муаммоларга ҳамжиҳатликда ечим топиш учун, фарзандларнинг бахтли келажаги учун муносиб номзодга овоз берадилар. Келажак ҳаммамизни масъулиятга чорлайди. Унинг сўроғига «Лаббай» деб жавоб берайлик.

**Ҳаким САТТОРОВ.**

*Бир фармон шарофати*

# ТАБИИЙ ГАЗ ОЛИС ОВУЛЛАРГА

2000 йилнинг дастлабки куни экологик офат эпицентрида жойлашган Мўйноқ туманидаги Шағирли овули аҳолиси муносиб совға олди. Марказдан олисда жойлашган овулнинг 120 хонадонида биринчи марта табиий газ порлаб ёна бошлади.

Мамлакат Президенти сайлови арафасида Кегейли туманидаги «Пахтаобод» ва «Естек» овулларидаги 100 га яқин хонадон бекаларининг қувончига қувонч қўшилди. Улар эндиликда сермашаққат ва анча қиммат ўтин ёқишдан қутилишиб, ярим йилда тортилган 12.5 километрлик газ тармоғидан бир маромда оқиб келаётган «зангори олов»дан фойдалана бошладилар. Янги газ трассасини фойдаланишга топшириш учун 28 миллион сўмлик юмушлар бажарилди.

Қувончли воқеа муносабати билан овул меҳнаткашларининг бўлиб ўтган тантаналарида мураккаб бозор муносабатлари шароитида ҳам Президент Фармонлари оғишмай бажарилиб, аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш тобора яхшиланаётгани мамнуният ила таъкидланди.

# ЁРДАМГА МУҲТОЖЛАР КЎНГЛИ ОЛИНДИ

Мана бир ҳафтадирки, пойтахтдаги муҳташам Халқлар дўстлиги саройида Президент арчаси шодиёналари давом этмоқда. Бу ерга таклиф этилаётган меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, кўп болали ва мухтож оилаларнинг фарзандлари улкан арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз билан бирга қўшиқ айтиб, рақсга тушмоқда. Уларга дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳрибонлик, ватанпарварликка даъват этувчи театр томошалари кўрсатилмоқда. Таниқли санъаткорлар ва эстрада юлдузларининг чиқишлари айниқса, завқли ўтаётир. Президент совғалари болакайлар қалбига бир олам қувонч бахш этмоқда. Бу ердаги байрам томошаларини қирқ минг нафардан кўпроқ кичкинтой келиб кўриши режалаштирилган.

Шуни айтиш керакки, Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган «Мурувват ўн кунлиги» давомида Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан биргаликда кенг кўламдаги хайрия тадбирлари ўтказмоқда. Шаҳардаги барча туман ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармалари вакиллари эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз қариялар, етим-есирлар ва беморлар ҳолидан хабар олмоқда. Уларга ҳар куни икки ярим-уч миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак тарқатилмоқда. Шаҳардаги барча мачитлар закот ва фитр-рўза сифатида йиғилган маблағлардан муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатяпти.

Барча корхона ва ташкилотлар ўз ходимларининг фарзандлари, шунингдек, ҳудудларидаги маҳаллаларнинг болаларига пойтахтнинг қирқ жойида ташкил этилган Янги йил арчаларига чипта ва совғалар олиб беряпти. Тошкент давлат циркида давом этаётган янги йил томошаларини эса 160 минг бола бепул кўради.

***

«Мурувват ўн кунлиги» давомида Бухоро вилояти шаҳар ва туманларида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Когон шаҳар Осиё кўчасида истиқомат қилувчи Ҳамдамов хонадонига Рамазон ҳайити арафасида «Когондон» ҳиссадорлик жамияти вакиллари ташриф буюриб, эҳтиёжманд оила фарзандларига озиқ-овқат, кийим-кечак туҳфа этди. Олот туманидаги «Зарафшон» хўжалиги ҳудудида яшовчи кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, совға-саломлар топширилди. Жондор туманидаги «Пулоти» қишлоғида эса 50 нафар қарияга ош тортилиб, ҳадя улашилди. Саҳоватли ҳомийлар Бухоро шаҳридаги кўзи ожизлар корхонаси аҳлини ҳам эсдан чиқармади.

Бухоро вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотномага қараганда, айни кунга қадар ҳомийлар 16 минг 252 нафар кам таъминланган оила, ногирон, якка-ёлғиз қария ва қаровчисиз қолганларга қарийб 15,5 миллион сўмлик хайру эҳсон ёрдами кўрсатган.

***

Муқаддас Рамазон ҳайити арафасида бева-бечора, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон кишилар аҳволидан хабар олиб, уларнинг кўнглини кўтариш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан «Соғлом авлод йили» «Мурувват ўн кунлиги» билан бошлангани бу борада айни муддао бўлди. Янги йилнинг дастлабки кунларида Жиззах шаҳар ҳокимлиги Зомин тумани Араббой Фозилов номидаги Мурувват уйига 400 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа буюмларни хайрия сифатида жўнатди. Бу эҳсонга шаҳардаги «Мир-Улуғбек» фирмаси, 7-дон маҳсулотлари комбинати жамоалари, «Кимёгар», «Улуғбек», «Олмазор», «Халқобод» маҳаллалари катта улуш қўшди.

**/ЎзА/**

# УДУМЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ

Президентимиз 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилар экан, соғлом авлод тарбияси пойдеворини миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибалари асосида қурсак ҳеч қачон кам бўлмаймиз, деб таъкидлаган эди. Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказилаётган «Мурувват ўн кунлиги» бу удумларимиз нақадар ҳаётбахш кучга эга эканини намойиш этмоқда. Вилоятлардан олинаётган хабарлар шундан далолат бераётир.

* * *

САМАРҚАНД. Вилоятдаги 9-Меҳрибонлик уйида ташкил этилган хайрия тадбири «Президент арчаси» шодиёналарига уланиб кетди. Чиройли арча, ўйин-кулги, куй-қўшиқ барчага қувонч ва хуш кайфият бағишлади. Қорбобо ва Қорқиз томонидан улашилган совға-саломлардан болалар айниқса завқланди.

Эътиборли томони шундаки, оталиқ ташкилотлар болажонларга меҳр-мурувватини аямаяпти. Хусусан, «Жолли» савдо дўкони жамоаси меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига кийим-кечак, хилма-хил ширинликлар ҳадя этган бўлса, «Гулистон» жамияти пазандалари байрам дастурхонига мазали таомлар тортди. Шунингдек, саҳоватпеша инсонлар ҳам улардан моддий кўмакларини дариғ тутмаётир.

НАВОИЙ. XX асрнинг сўнгги йилига қадам қўйилган дақиқаларда шаҳар ва туман туғруқхоналарида 19 нафар қиз ва 17 нафар ўғил бола дунёга келди,- дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош гинекологи Венера Емушинова. - Чақалоқлар ва оналарнинг соғлиги яхши. Шу қутлуғ кунларда Навоий кон металлургия комбинати, «Қизилқумцемент» қўшма корхонаси, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмалари саховат кўрсатиб, она-болаларга совға-салом тарқатди.

ҚАРШИ. Қашқадарё вилоятида ҳам кенг кўламда хайр-саховат тадбирлари ўтказиляпти. Жумладан, Қарши туманида ҳомий ташкилотларнинг кўмаги билан тўпланган 9 миллион сўм эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар, қаровчисиз қолган кексалар холидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадларига сарфланмоқда.

Шаҳрисабзда кам таъминланган оилаларга ҳомийлар томонидан 3,5 минг сўмлик ҳайитлик улашилди. Бу эзгу ишдан масжид мутаваллилари, имомлари ҳам четда тургани йўқ. Масжидда тўпланган 170 минг сўм пул хайрия тадбирлар учун ишлатилди. Яккабоғдаги «Саховат уйи» қариялари байрамона безатилган дастурхонга таклиф этилди.

АНДИЖОН. Шаҳрихондаги «Ривож» хусусий савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси янги йилни ёрдамга муҳтож, якка-ёлғиз ва кўп болали оилаларга, эҳтиёжманд ҳамюртларга моддий ёрдам кўрсатиш билан бошлади. Шу мақсадлар учун икки юз минг сўм сарфланди.

Умуман, Шаҳрихон туманидаги ташкилотлар, хўжаликлар, фермерлар, саховатпеша ишбилармонлар кўп болали оилаларга, ногиронларга ва ёлғиз кексаларга бир миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатди.

**/ЎзА/**

# АДОЛАТ ВА ҲАҚҚОНИЙЛИК МЕЗОНИ

Қорақалпоғистон республикасидаги мавжуд 527 та сайлов участкаларида энг муҳим сиёсий воқеа - мамлакат Президенти сайловини амалдаги қонунлар асосида ўтказишга ҳозирлик кўриш ниҳоясига етди. Барча участкалар номзодларнинг таржимаи ҳоллари, меҳнат фаолияти, сайловолди дастурлари битилган плакатлар билан таъминланди. Участкаларда алоқа воситалари, бошқа тегишли техник асбоб-ускуналар ишлаб турибди.

Сайловчиларга қулайликлар туғдириш мақсадида Конституция, сайлов тўғрисидаги Қонунлар, қўлланмалардан иборат адабиётларнинг махсус кўргазмалари ташкил этилди. Газеталар эса мунтазам равишда етказиб турилди. Бу тадбирлар сайловчиларнинг янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлиб туришини таъминлади.

Сайловчилар барвақт рўйхатга олинди. Умуман, Қорақалпоғистон бўйича сайловчилар учун тегишли ҳужжатлар, чақирув қоғозлари тайёр қилинди. Ҳар бир участкада назоратчилар ва кузатувчилар учун ҳам етарли шароитлар яратилди.

Президент сайлови ўтказилишига пухта тараддуд кўрилишида 14-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси, Жўқорғи Кенгес, шаҳар ва туманлар ҳокимиятлари кўмагида барча участка бошлиқлари, котиблари ҳамда сайлов билан машғул бошқа масъулиятли шахслар иштирокида амалий семинар кенгашлар ўтказилганлиги муҳим омил бўлди.

Хуллас, Оролбўйида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов демократик тамойиллар асосида ўтишига иноним комил.

**Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.**



# МАҚТАБГА СПОРТ АНЖОМЛАРИ

2000 йил тарих саҳнида ўзига хос йил — Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Соғлом авлод йили» сифатида бўй кўрсатди. Унинг биринчи кунлариёқ ёш авлодга олам-олам қувонч бағишлади. Яъни, республикамиздаги турли ташкилот ва муассасалар ҳамда хайрия жамғармалари болажонларни Янги йил байрами билан табриклаш ва моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб ва мактаб-интернатларга ташриф буюришди. Улар бундай тарбия масканларига мебеллар, кийим-кечаклар ва турли жиҳозлар ҳадя қилдилар.

Яқинда фан ва таълим ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти қўмитаси аъзолари ана шундай эзгу мақсадлар билан Тошкент туманидаги 11-мактабда ҳозир бўлишди. Чунки бу мактаб нафақат билим жиҳатидан, балки спорт кўрсаткичлари бўйича ҳам тумандаги энг илғор мактаблардан бири ҳисобланади. Қатор йиллардан буён футбол ва волейбол бўйича туман биринчилигини қўлдан беришмаяпти. Шунингдек, вилоят бўйича ўтказилган спорт мусобақаларида ҳам совринли ўринларни эгаллаб келишяпти.

Шунинг учун ҳам мазкур мактаб спорт бўйича тумандаги кўзга кўринган мактаблардан биридир. Унга қирқ йилдан буён педагоглик қилаётган Ўзбекистон маорифи аълочиси, тажрибали устоз Абдувоҳид Халилов раҳбарлик қиляпти. Бу мактабда ўқувчиларни соғломлаштириш ҳамда спорт ишлари юқори натижаларни беряпти. Жисмоний тарбия ўқитувчилари Ҳаким Ешметов ва Мелис Абдурасуловлар раҳбарлиги остида ўқувчилар бир неча спорт секцияларида мунтазам шуғулланиб боришади.



Байрам муносабати билан мактаб спорт залида туман ҳокимлиги ходимлари, ўқитувчилар, маҳалла қўмитаси аъзолари ва мазкур мактабни битирган спортчилар йиғилишди. Йиғилганлар олдида фан ва таълим ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти қўмитаси раиси Мукаррам Ўринбосарова нутқ сўзлаб, малакали спортчиларни тарбиялашгани учун мактаб жамоасига миннатдорчилик билдирди.

Шунингдек, Мукаррам Ўринбосарова мактабга футбол, волейбол тўплари, стол тенниси учун жиҳозлар, волейбол тўрлари ва бошқа спорт анжомлари ҳадя этилишини эълон қилди. Совғаларни фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг ташкилий бўлим мудири Саидбосит Саидбурхонов ўз эгаларига топширди.

**А. ТЕМИРОВ.**

# «АЛПОМИШ»НИНГ ЯНГИ САҲНА ТАЛҚИНИ

«Алпомиш» Республика қўғирчоқ театри саҳнасини ҳам кўрди. Ёш томошабин паҳлавон авлод — аждодлари, Ватанига содиқ ўғлонлари, севги-садоқат бобида тенги йўқ Алпомишлари, Ойбарчинлари ҳақидаги жўшқин сўзни саҳнадан эшитиб ҳаяжонланганини кўриб, хурсанд бўлдим. Яқиндагина бундай спектаклни қўйиш, ёшларга тақдим этиш, уларнинг ўткир заковотли оталарини эслатиб қўйиш амри маҳол эди. Ярим аср муқаддам кино аҳли шу достонни экранда бадиий таърифлаб бермоқчи бўлганида тўсиққа учрагани, сунъий тўғоноқларни енга олмагани маълум-ку! Шу таъқиқланган мавзуга, лекин ҳар биримизга яқин бўлган сиймога мурожаат этилгани ва шу кун даражасида мураккаб вазифа бажарилганидан қувонганимизни алоҳида қайд этардик.



Муаллиф Нозим Тўлахўжаев, постановкачи рассом Бобир Исмоилов фикрдош дўстлари — режиссёр Бекпўлат Пармонов, композитор Алишер Латиф Зода ҳамда бир гуруҳ ажойиб актёрлар билан ҳамкорликда ишлаб кичгинагина саҳнада, қўғирчоқлар кўмагида, гоҳ маъюс, ўйчан, гоҳ лирик кайфият уйғотадиган садолар ёрдамида ихчам, таъсирчан томоша яратдилар.

Спектаклнинг фазилатлари нимада? Пьесада достон руҳи кўп жиҳатдан сақланиб қолинган: ижро, тасвир, либослар, мусиқий безаклар юксак талабларга жавоб беради. Шуни ҳам айтиб ўтамизки, муаллиф «Алпомиш»даги саҳнабоп сюжет, манзаралар, тавсифдан барча ўринда кенг, ўринли фойдаланган, деб бўлмайди. Гап саҳна ортида қолган образлар, воқеалар ҳақида эмас, балки пьеса муаллифи танлаган ҳикоя услубига мос келадиган манбалар ҳақида кетаяпти. Либослар, оддийгина, мазмунли декорациялар сюжет ривожида, қаҳрамонларга тавсиф беришда муҳим омил бўлса-да, айрим қўғирчоқларнинг беўхшовлиги кўзга ташланади. Спектакл давомида тинимсиз янграб турган мусиқада катта драматургик «юк» борлигини қайд этсак-да, унга дутор, танбур тароналари етишмагандек кўринди. Ҳаттоки томошабинни достон оламига олиб киришни мақсад қилиб қўйган бошловчининг (у маълум жиҳатдан бахши вазифасини бажаради) қўлида сози йўқ.

Алпомиш ва Ойбарчин ўртасида севги учқунлари пайдо бўлиши, аста аланга олиши, икки ёш бир-бирига интилиши саҳнадаги ҳаракат, нур манбалари, турли маромда янграйдиган садолар, айниқса, актёрлар томонидан шунчалик хис-ҳаяжон билан, ижрочилик техникаси кўмагида тасвирланадики, оддий қўғирчоқларга меҳр қўясан, уларни қадрлайсан, диққат билан кузатиб борасан. Бу эса режиссёр Каромат Исомова (Ойбарчин) ҳамда Раҳим Деҳқонбоевнинг (Алпомиш) ижрочилик техникасига жарангли талаффузига, саҳнада эркин, енгил ҳаракат қила олишига ишониб, мураккаб кўринишларни, лирик саҳналарни режалаштирганини кўрсатади. Бинобарин, нур манбалари, хореография, пантомима унсурлари, мезон саҳналарни ҳам шунга мослаган.

Қўғирчоқ театри ўзининг янги асарига «Одамлар — қушлар» деб ном берипти. Қушларнинг эркин парвозини, ватанига албат ва албат қайтишини, бир-бирига садоқатини назарда тутиб ижод этган катта гуруҳ асарнинг сўнгги кўринишига қадар шоирона, кўтаринки руҳни сақлаб қолишига эришган. Бинобарин, у ёш томошабинларнигина эмас, катта ёшдаги санъат мухлисларининг эътиборини ҳам тортишига ишонамиз.

**Ҳамидулла АКБАРОВ.**



Кейинги йилларда Республикамизда маънавият ва маърифат ишларига катта эътибор берилаётганлигини жойларда амалга оширилаётган тадбирлар ҳам кўрсатиб турибди. Бўка туманидаги марказлашган кутубхоналар тармоғида ҳам бу борада бир қатор ибратли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, давра суҳбатлари ва учрашувлар, шеърият ва ғазалхонлик кечалари, китобсеварлар танловлари, аҳлоқ ва одоб ҳақидаги тарбиявий кечалар, турли кўргазмалар шулар жумласидандир.

**Суратда: марказлашган кутубхоналар тармоғи раҳбари Муҳитдин Солиев «Гулла яшна Мустақил Ўзбекистон» деб номланган кўргазмада китобхонларга унинг аҳамиятини тушунтирмоқда.**

*Мутахассис маслаҳати*

## ГРИПП - ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Ўткир респиратор вирусли касалликлар энг кўп тарқалган касалликлардан бўлиб, турли ёшдаги кишиларда учрайди. У ҳаво орқали тарқалиб, нафас олиш йўлларини зарарлабгина қолмай, одамнинг юрак-қон-томир системасига ҳам таъсир қилади. Айниқса, бу касалликнинг енгил тури билан хасталанган беморлар касаллик тарқатувчи сифатида соғлом одамларга хавфлидир. Чунки улар касалликни оёқда ўтказиб, бошқаларга вирусни кўпроқ юқтиришлари мумкин.

Ўткир респиратор вирусли касалликлар жумласига грипп касаллиги ҳам киради. Грипп вируси жуда юқумли, тез тарқалувчилар қаторига киради ва ўзининг инсон организми учун ўта заҳарлилиги, яъни токсигенлиги билан ажралиб туради. Олимларнинг кузатишлари шуни кўрсатадики, грипп вируслари ўта ўзгарувчан экан. Унинг «А» вируси ўзининг айрим хусусиятларини ўзгартириб «А1», «А2» вирус «В» эса «В1» хилларига ўтиши мумкин. Бу «ўзгарган» вирусларга нисбатан кишилар организмида иммунитет бўлмагани учун, маълум вақт ўтгач грипп касаллиги янгидан тарқалади. Касаллик аксарият ҳолларда кучли бош оғриғи ҳамда тана ҳароратининг бирдан 38-39 даражагача кўтарилиши билан бошланади. Грипп вируси ўта заҳарли бўлгани сабабли бош мия ва асаб системасининг ишини бузади. Бунинг натижасида алаҳсираш, босинқираш, ҳушдан кетиш ёки мия қобиғларининг яллиғланиши белгилари, айрим беморларда эса бурундан қон келиши, терисида майда қон қуйилиши белгилари пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда дарҳол шифокорни чақириш керак.

Бемор уйда даволанганда, алоҳида хонага ётқизилиши, унга суюқ, яхши ва тез ҳазм бўладиган енгил таомлар бериш зарур: мастава, товуқ, шўрва, сутли таомлар-ширхўрда, ширгуруч, ширқовоқ, қатиқ, сузма ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Беморларга касалликнинг биринчи кунидан бошлаб, кўпроқ суюқлик ичириш тавсия қилинади: чой, айниқса кўкчой, мевалар шарбати, қуруқ меваларнинг қайнатмаси, малина ёки асалчой бериб турилиши керак.

Ромашка дамламалари билан томоқни чайиб туриш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Албатта, иссиқ сут билан асални, ишқорий сувлардан «Тошкент суви» ва шу кабиларни бир оз иситиб ичиш ҳам йўтал ва томоқ қирилишини камайтиради.

Грипп касаллигини олдини олиш учун катталарга ремонтадин деган дорини маълум миқдорда ва маълум кунгача бериб туриш (врач маслаҳати билан) тавсия қилинади. Шу билан бирга интерферон дорисини бурунга томизиш ва оксалин мазини ҳар куни буруннинг шиллиқ қаватига суриш керак.

**У.ИМОМАЛИЕВ,**
**тиббиёт фанлари номзоди.**

# БОЛА КУЛСА, ОЛАМ КУЛАДИ

Тошкент Трактор заводи Давлат ҳиссадорлик жамияти маданият саройида ҳам болажонлар учун ажойиб Янги йил томошалари ташкил қилинди. Завод маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда уюштирган ушбу байрам томошалари ўзбек ва рус тилларида бўлиб жуда ажойиб ва қизиқарли ўтмоқда.

— Фарзандларимизнинг севимли байрамларини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида бор имкониятларни ишга солдик, — дейди завод касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Раҳимов. — Бунинг учун 441 минг сўм маблағ сарфланди. Асосийси кичкинтойлар қувонсалар, бас. Чунки уларнинг табассумидан олам кулади.

Арча байрами олдидан заводга қарашли учта болалар боғчасининг ҳар бирига касаба уюшма қўмитаси ҳамда завод «Камолот» жамғармаси томонидан рангли қаламлар жамланмаси, расм дафтарлари янги йил совғаси сифатида ҳадя қилинди. Шунингдек, маданият саройида ўтказилаётган томошаларда билағон болаларни тақдирлаш учун «Совпластитал» корхонасининг 100дан ортиқ ўйинчоқлари тайёрланди. Бу совғаларни Қорбобо энг яхши шеър, қўшиқ, рақс ижро этган, топишмоқларни тўғри топган, тез айтишни маромига етказган ширинтойларга армуғон этди.



Муҳташам маданият саройида ажойиб ва ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган арча товланмоқда. Унинг атрофида ҳамжиҳатлик билан қўл ушлашган болажонлар қувноқ қўшиқларни айтмоқдалар. Даврага ташриф буюрган Қорбобо ва Қорқиз саҳийлик билан қопларидан уларга совғалар улашмоқда. Бадиий чиқишларни эса маданият уйи қошидаги турли тўгарак иштирокчилари ижро этмоқдалар. Улар ўртасида энг яхши ижро, энг яхши костюм каби танловлар ўтказилади.

Арча атрофидаги Ялмоғиз кампир, Бармолей, Айиқча, Қуёнча саргузаштларида ҳам эзгулик ва иноқлик, дўстлик ғалаба қилди.

Ўйин кулгидан сўнг меҳмонларга сарой залида «Ер ости қасрининг сири», «Мальчик горошек» номли эртаклар намойиш қилинди. Бу эртакларни ижро этиб бериш учун Республика қўғирчоқ театри актёрлари ташриф буюрдилар. Улар бор маҳоратларини ишга солиб, болажонлар кўнглини хушнуд қилаётирлар.

**Муҳаббат ДАВРОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЯНГИ ЧАҚАЛОҚҚА - МУКОФОТ

Наманган вилоятида янги йил кечасида - 2000 йилнинг дастлабки онларида фарзандлик бўлган бахтли оилаларга яна омад кулиб боқди.

Наманган тумани Хонобод қишлоғида истиқомат қилувчи Соҳиба Сотиболдиеванинг қизалоғи Наманган вилоятида 2000 йилда дунёга келган биринчи чақалоқ бўлди. Вилоят ҳокимининг фармойиши билан эр-хотин Соҳиба Сотиболдиева ва Дилшод Акбаровларга шу муносабат билан «Тико» автомашинаси совға қилинди.

Чуст ва Косонсой туманларидаги икки оилада эса икки дақиқа кечроқ болалар дунёга келишди. Уларга эса рангли телевизор ва видеомагнитофон тухфа қилинди.

Наманган вилоятида 2000 йилнинг биринчи кунида туғилган бошқа болаларга эса катта сўм миқдорида шахсий ҳисобрақам очилди. Бу вилоятда шу куни жами 118 бола дунёга келди.

*Бу — қизиқ*

## ИДИШ-ТОВОҚ МУЗЕЙИ

Польшада идиш-товоқлар музейи бор. Европада ягона ҳисобланган бу музей кўргазмаларидаги буюмларнинг асосий қисмини 200 йилдан бери ишлаб келаётган «Силазия» идиш-товоқлар корхонасининг маҳсулотлари ташкил этади.

Шуни айтиш керакки, ҳозирги вақтда шу корхонада чиқарилаётган кастрюл, това ва чойнаклар дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатига чиқарилади.

## 50 КИЛОЛИК ТАНГА

Британия музейининг қадимги танга-чақа коллекциясида «Па» деб аталувчи ниҳоятда нодир, вазни 50 килограммлик танга сақланмоқда.

Музей ходимларининг айтишича, «Па» тангаси Тинч океанининг ғарбий қисмидаги Яп деган оролда яшовчи халқники экан. Бу танганинг ўртаси тешик — гардишсимон бўлиб, уни бир неча киши ғилдиратиб, «банк» деб ҳисобланган махсус жойга олиб боришаркан.

## ҚОРА ЧИННИ

Қора чинни кишиликка азалдан маълум. Римликлар қора чиннидан ҳар хил буюмлар ясашган.

Қора чинни тайёрлаш усулини австралиялик усталар яхши билишади. Улар ясаган гулдонлар Қадимги Римда ясалган қуроллардан сифат жиҳатидан асло қолишмайди.

## КЕЛИН-КУЁВЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Польшанинг Вроцлов шаҳрида турмуш қурувчи ёш йигит ва қизлар учун университет очилган. Бўлажак келин-куёвлар бу ерда аҳлоқ қоидалари, тиббиёт, психология, уй-рўзғор ишларини бошқариш, ошпазлик юзасидан суҳбатлар тинглашади.

## ЯНА БИР ШИФО МАСКАНИ

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани Бўзатов овули аҳолиси учун янги йил қўшалоқ байрам бўлди. Бу ерда замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Хориждан келтирилган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур шифохонада беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатила бошланди. «Оролсувқурилиш» бирлашмаси томонидан қисқа муддатда қуриб битказилган бу даволаш муассасаси Қорақалпоғистондаги 41-врачлик пунктидир.

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» агрофирмасида мевани қайта ишлаш ва консервалаш цехи ишга тушди. Исроилнинг «ИЕС Инженеринг ЛТД» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилган бу цехда олма ва узум, шунингдек, помидор каби сабзавотлар шарбати қадоқланади. Эндиликда яқин атрофдаги хўжаликларда етиштирилган мева ва сабзавотлар шу ернинг ўзида қайта ишланади.

СПОРТ ОЛАМИДА ✵ СПОРТ ОЛАМИДА ✵ СПОРТ ОЛАМИДА ✵ СПОРТ ОЛАМИДА

## ДАНИЯ ОЛИМПИАДАЧИЛАРИ СОНИ ОШАДИМИ?

Сиднейда бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларига Даниядан ҳозирча юз нафарча спортчи бориши кутилмоқда. Ҳали жамоа таркиби тўла шаклланмаган эсада, мавжуд вазият аввалги олимпиадага қараганда камроқ иштирокчи қатнашишини тақозо этмоқда. 1996 йилда Атлантада ўтказилган олимпиадада юз йигирма бир нафар спортчи қатнашган эди.

Данияда биринчи рақамли спорт тури футбол ҳисобланади. Лекин Австралияга футбол жамоаси йўлланма ололмаган. Шунингдек, олимпиадага баскетбол, бейсбол жамоалари ҳам бормайди. Мамлакатнинг гандболчи қизлари йўлланмани қўлга киритишга улгурган бўлса-да, эркаклар жамоаси бу борада анча тер тўкишига тўғри келади. Улар Сиднейга йўлланма олиш учун яқин кунларда бўлиб ўтадиган қитъа биринчилигида муваффақиятли иштирок этиши лозим. Шунда олимпиадада иштирок этувчи данияликлар сони юз ўн тўққизтага етади.

Даниялик мутахассислар енгил атлетикачилар, велосипедчилар, сузувчилар, тэквондо усталарининг беллашувларда ғолиб чиқишига ишонч билдираётган бўлсада, айрим спорт турлари вакилларидан кўнгли тўқ эмас. Масалан, волейболчилар, беш-курашчилар, бокс ва дзюдо усталарининг имкониятлари унчалик юқори баҳоланмаяпти.

## РИВАЛДО МУАММОЛАР ТЎРИДА

Футбол оламида Ривалдо номи билан танилган Витор Борба Феррейра 1999 йилда қўлга киритилган ютуқлар бўйича биринчи ўринга чиқиб олди. У ўтган йили кўрсатган чиройли ва самарали ўйини учун «олтин тўпни» қўлга киритган эди. Яқинда Лотин Америкаси мамлакатлари журналистлари уни Европанинг 1999 йилдаги энг яхши футболчиси, деб топди. Бундан ташқари, Ривалдо Франциянинг «Onze» журнали ва Англиянинг «World Soccer» ойлиги томонидан ҳам «энг яхши футболчи», деб эътироф этилган.

Ҳар соҳада биринчи бўлиб келаётган Ривалдо ўзи ўйнаётган Испаниянинг «Барселона» жамоасида муаммолар тўрига илиниб қолди. У жамоанинг голландиялик мураббийи Луи ван Гаал билан анчадан буён келиша олмаяпти. Испания миллий биринчилигида «Райо Вальекано» билан бўлган учрашувда Луи ван Гаал «олтин тўп» соҳибини майдонга туширмади. Ҳозирча Ривалдонинг навбатдаги - «Реал Сосьедад» билан бўладиган учрашувда иштирок этиши ҳам ноаниқ.

Икки ўртадаги келишмовчиликка Ривалдонинг чап қанотда тўп суришни талаб қилаётгани сабаб бўлди. Ўз навбатида Луи ван Гаал футболчи барча эътирозларини ташласагина майдонга тушади, деб таъкидламоқда. «Барселона» клуби Президенти Луис Нуньес Ривалдонинг талабига унчалик рўй-хуш бермади. У «Барса» бразилиялик ҳужумкор ярим ҳимоячисиз ҳам яхши ўйин кўрсата олади, деди.

«Барселона» ўтмишига назар ташласак, машҳур футболчилар билан клуб раҳбарияти ўртасидаги келишмовчиликлар янгилик эмаслигига амин бўламиз. Аксар ҳолларда футбол юлдузлари ё бош мураббий ёки клуб Президенти билан мавжуд муаммоларни ҳал қилолмасдан «Барса»ни тарк этган. Шундай юлдузлардан биринчиси дарвозабон Рикарло Самораюдир. У 1919-1922 йилларда «Барселона» шарафини ҳимоя қилган ва кейинчалик жамоани тарк этиб, «Эспаньол»га ўтиб кетган. Бундай юлдузлар сони анчагина ташкил қилади. Улар сафига Йоҳан Круиф, Диего Марадона, Христо Стоичков, Ромарио ва Роналдо каби хорижлик футболчиларни қўшиш мумкин. Шунингдек, «Барселона»ни Альберт Феррер, Гильермо Амор, Оскар Гарсиа ва Мигель Анхель Надаль каби маҳаллий футболчилар ҳам тарк этган.

Шундай қилиб, Ривалдо ҳам жамоадан кетиши мумкин. Лекин бу унинг учун унчалик қўрқинчли эмас. Ҳозирча бразилиялик футболчини ўз сафида кўрмоқчи бўлган бой жамоалар талайгина.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ (ЎзА).**

СПОРТ ОЛАМИДА ✵ СПОРТ ОЛАМИДА ✵ СПОРТ ОЛАМИДА ✵ СПОРТ ОЛАМИДА

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 025. 1 2 3 4 5 6